# МАХАЛЛИЙ АХАМИЯТИДАГИ УМУМФОЙДАЛАНУВДАГИ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИДА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БУЙИЧА ВАКТИНЧАЛИК ШАРТНОМА
## № 1 К М/В

«28» ______01______ 2022 йил                    Термиз шахри.

Узбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги «Автомобил йулар тугрисида» ги ЎРҚ-117 сонли Қонуни ва Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги Устав фондида Давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида 215 - сонли карори асосида.

## 1. ШАРТНОМА БУЙИЧА ТОМОНЛАР

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилоят автомобил йуллари худудий бош бошкармаси Давлат ташкилоти номидан Низомга асосан иш юритувчи бошкарма бошлиги Жура Киличев.

**Пудратчи:** Сурхондарёйўлкўкалам унитар корхонаси (УК) номидан Низомга асосан иш олиб борувчи директор Рустам Кулназаров.

Амалдаги конун коидалар асосида мазкур шартномани туздик.

## 2.ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

Иккала томонга хам фойдали булган ва биргаликда иш олиб бориш учун куйидаги мазмундаги ушбу узаро шартнома тузилди.

2.1. Сурхондарёйўлкўкалам унитар корхонаси хисобига ижарага берилган махаллий ахамиятдаги автомобил йулларда кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш.

## 3.ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ

3.1. Шартнома бахоси тасдикланган кўкаламзорлаштириш ишларининг 1-чорак сметаси асосида ККС билан 1 079 904 000 (Бир миллиард етмиш туккиз миллион туккиз юз турт минг) сумни ташкил этади.

| № | Бажарилади ган ишлар тури | Булим | | Куйи объектлар | Мода | | | Жами маблаг сум хисобида | 1-чорак | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | Январ | Феврал | Март |
| 1 | Кўкаламзорлаштириш ишлари | 7 | 045 | 183 | 42 | 33 | 100 | 1 079 904 000 | 663 239 000 | 246 897 000 | 169 768 000 |
| | Жами | | | | | | | 1 079 904 000 | 663 239 000 | 246 897 000 | 169 768 000 |

## 4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Махаллий ахамиятдаги автомобил йулларни кўкаламзорлаштириш ишлари учун тулаб берилган маблагни максадли ишлатилишига жавобгардир.

4.2. Махаллий ахамиятдаги автомобил йулларни кўкаламзорлаштириш ишлари учун смета хужжатларини ишлаб чикади ва буюртмачига такдим этади.

4.3 Махаллий ахамиятдаги автомобил йулларининг хамма кисмида автомобилларнинг узлуксиз ва бехатар харакатини таъминлайди, хафвсизлиги буйича тулик жавобгарликни уз зиммасига олади.

4.4. Махаллий ахамиятдаги автомобил йулда мавжуд булган йул жихозлари, йул белгилар, автобекатлар, 1-тоифа тусиклар, куприклар, кувурлар ва бошка ёрдамчи иншоатларни тулик ярокли холда саклайди.

4.5. Йулда мавсумий кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширади.

4.6. Йулда режалаштирилган кўкаламзорлаштириш ишлари режасини бажарилишини таъминлайди.

4.7. Йулнинг химоя зонаси минтакасида ноконуний объектларни курилишига йул куймайди.

4.8. Йулнинг холатига салбий таъсир курсатувчи, давлат сертификатига эга булмаган материаллардан йул таъмирлаш ишларида фойдаланмайди.

4.9. Форс – мажор холлардан ташкари хар кандай холда йулга етказилган зарарни уз хисобидан тиклаб беради.

4.10. Бажарилган ишлар маълумотномасини (Ф-3 шакл) ва руйхатини (Ф-2 шакл) хар ойнинг 25 санасида буюртмачига такдим этади.

4.11. Йулнинг холати тугрисида доимий маълумотга эга булади ва буюртмачи истаган вактда тулик ахборотни такдим этади.

4.12. Давлат органлари ва Узбекистон Республикаси автомобил йуллари Давлат кумитаси томонидан жорий килинган хисоботларни уз вактида буюртмачига топширилишини таъминлайди.

4.13. Бахорги ва кузги техник курик, манфаатдор органлар томонидан утказилган куриклар давомида ва буюртмачи томонидан автомобил йулларда аникланган носозликларни уз вактида бартараф этилишини таъминлайди.

4.14. Бажарилган ишларни кабул килиш даврида буюртмачига топшириладиган хужжатларнинг хакконийлигини таъминлаш буйича жавобгар булади..

4.15. Пудратчининг амалдаги харажатлари асосида иш бахосини аниклаш вактида смета хужжатларида назарда тутилган харажатлардан кам булган холларда, Башарти буюртмачи пудратчининг иктисод килинган маблаги бажарилган иш сифатига салбий таъсир этишини исботлай олмаса, пудратчи ишлар учун смета хужжатларида назарда тутилган бахо буйича хак олиш ва иктисод килинган маблагларни узини курган зарарларни коплаш учун йуналтириш хукукини саклаб колади.

4.16. Бажарилган ва молиялаштириш учун кабул килинган иш хажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йул куйилганлиги аникланганда, кейинги ойларда бажарилган иш хажмлари тегишли узгартиришлар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

4.17.Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган холда, уз имкониятларидан келиб чикиб ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошка ишлаб чикариш куввати бланд ёки паст механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш хажмлари бахосини аниклашда Пудратчи объектнинг умумий киймати доирасида амалдаги нарх ва механизмлар буйича расмийлаштириш хукукига эга.

**5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

5.1. Махаллий ахамиятдаги автомобил йулларни кўкаламзорлаштириш ишлари учун ишлаб чикилган смета хужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди.

5.2. Режада белгиланган ишларни бажариш учун 40 % микдоридаги бунакни олдиндан тулайди.

5.3. Бажарилган ишларни хар ойнинг 25 санасигача кабул килиб олади.

5.4. Бажарилган ишлар тулик кабул килиб олингандан сунг тулов амалга оширади.

5.5. Йулга таълукли миёрий хужжатлар, хатлар, буйруклар ва режадаги узгаришларни уз вактида етказади.

5.6. Махаллий ахамиятдаги автомобил йулларни истикболли ривожлантириш дастурини ишлаб чикишда иштирок этади.

**6. ТОМОНЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

6.1. Пудратчи тасдикланган режадаги ишларни уз вактида бажарилишини таъминламаган такдирда, кечиктирилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар кийматининг 0,5 % (жами жарима микдори бажарилмаган ишлар кийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим) микдорида жарима тулайди.

6.2. Буюртмачи тасдикланган смета асосида бажарилган ишлар кийматини уз вактида тулаб берилмаган кисмига, кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % (жами жарима микдори бажарилмаган ишлар кийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим) микдорида жарима тулайди.

**7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИНИШИ.**

7.1. Шартнома иккала томоннинг ташаббуси билан белгиланган конун ва тартибларга тугри келадиган талаблар буйича ёки ишни давом этишга хожат булмаганда такдирда бекор килиниши мумкин.

**8. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ.**

8.1. Ушбу шартномадаги талабларни бажарилиши давомида пайдо булган келишмовчиликлар аввало иккала томонининг узаро келишуви оркали, унда хам хал булмаса хужалик судлари оркали куриб чикилади.

**9. ФОРС- МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.**

9.1. Форс-мажор холатлари (зилзила, сел ва хокозо) вактида хам шартномада белгиланган ишлар амал оширилади.

**10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.**

10.1. Шартнома 2022 йил «28» ________01________ 2022-йил 31 декабргача амал килади.

**11. ЮРИДИК ХУЛОСА.**

11.1. Юридик хулоса шартномага алохида илова килинади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилди. Бир нусха буюртмачида, бир нусха пудратчида сакланади.

**ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:**

| **«Пудратчи»** | **«БУЮРТМАЧИ»** |
|---|---|
| **Сурхондарёйўлкўкалам унитар корхонаси** | **Сурхондарё вилояти автомобиль йуллари худудий бош бошкармаси** |
| Термиз Термиз ш Олмазор -42 уй<br>Миллий банк Сурхондарё филиали<br>МФО: 00324, ИНН: 305168024<br>Х/Р: 20210000100821358001<br>ИФУТ-01192<br>Тел: | **Манзил** Термиз ш Олмазор -42 Тел. 22-1-26-35<br>Ш/х **30451086022401704518З118001**<br>**Бюжетдан маблаг олувчи Стири** 200473561<br>**ОКОНХ** 97400<br>**Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги**<br>**Газна х/в** 23402000300100001010<br>**Банкнинг номи** М Б Б Б Х К К М Тошкент<br>**МФО** 00014<br>**Газначилик булинмаси СТИР**и 201122919 |
| **Сурхондарёйўлкўкалам унитар корхонаси директори**:<br>____________ **Р.Кулназаров.** | **РАХБАР** ________________ **Ж.Киличев** |

**Сурхондарё вилояти АЙХББ юридик булими бошлиги:** ________ **Б.Шукуров**